


## Ўзбекистон Республикасида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 2026 йил январь-июнь ойлари учун

- I. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми
- II. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш
- III. Услубий тушунтиришлар

### I. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми

Дастлабки маълумотларга кўра, 2026 йилнинг январь-июнь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажми **270 952,6** млрд сўмни ташкил этди. Шундан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда хизмат кўрсатиш ҳажми – **254 679,6** млрд сўмни, ўрмон хўжалигида – **14 338,2** млрд сўмни, балиқчилик хўжалигида – **1 934,8** млрд сўмни ташкил қилди.

#### Ўзбекистонда 2026 йилнинг январь-июнь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажмининг ўсиш суръати



### II. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш

2026 йилнинг январь-июнь ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми **250 743,7** млрд сўмни ёки 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **103,8** фоизни ташкил этди. Шундан, деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми **106 198,2** млрд сўмни (**106,7** фоиз), чорвачилик маҳсулотлари ҳажми **144 545,5** млрд сўмни (**101,3** фоиз) ташкил қилди.


Худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг катта ҳажми Фарғона (**28 643,5** млрд сўм), Қашқадарё (**27 067,7** млрд сўм), Самарқанд (**26 495,8** млрд сўм) ва Андижон (**26 100,6** млрд сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Ўз навбатида, энг кам ҳажм Сирдарё (**7 016,4** млрд сўм), Навоий (**9 435,2** млрд сўм) ва Хоразм (**12 435,1** млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Юқори ўсиш суръатлари Қорақалпоғистон Республикаси (**104,8** фоиз), Жиззах (**104,7** фоиз), Қашқадарё (**104,3** фоиз) вилоятларида кузатилди.


Наманган (**102,9** фоиз), Бухоро (**103,1** фоиз) ҳамда Андижон (**103,2** фоиз) вилоятларида эса аксинча бошқа ҳудудларга нисбатан пастроқ ўсиш суръатлари қайд этилди.

**Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик  
тоифалари бўйича тақсимланиши**



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг **66,2** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **24,4** фоизи фермер хўжаликларига, **9,4** фоизи эса қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади.

**Етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларининг хўжалик  
тоифалари бўйича тақсимланиши**



2026 йилнинг январь-июнь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, **65,5** фоиз деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **24,2** фоиз фермер хўжаликлари ҳиссасига, **10,3** фоиз қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга тўғри келди.



**Етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари,**  
2026 йил январь-июнь

|                                                            | Миқдори,<br>минг тонна | Ўсиш (камайиш) суръати,<br>% да |
|------------------------------------------------------------|------------------------|---------------------------------|
| Донли экинлар                                              | 7 516,4                | 113,8                           |
| шу жумладан:                                               |                        |                                 |
| фермер хўжаликлари                                         | 5 915,2                | 111,5                           |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 456,6                  | 130,1                           |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 1 144,6                | 120,7                           |
| Картошка                                                   | 2 254,3                | 115,5                           |
| шу жумладан:                                               |                        |                                 |
| фермер хўжаликлари                                         | 422,1                  | 129,6                           |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 1 774,6                | 113,9                           |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 57,5                   | 83,5                            |
| Сабзавотлар                                                | 4 454,0                | 106,7                           |
| шу жумладан:                                               |                        |                                 |
| фермер хўжаликлари                                         | 715,0                  | 126,3                           |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 3 495,8                | 103,6                           |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 243,2                  | 103,9                           |
| Полиз экинлари                                             | 1 109,4                | 118,2                           |
| шу жумладан:                                               |                        |                                 |
| фермер хўжаликлари                                         | 191,8                  | 152,3                           |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 887,1                  | 112,1                           |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 30,5                   | 144,5                           |
| Мева ва резаворлар                                         | 2 820,1                | 100,6                           |
| шу жумладан:                                               |                        |                                 |
| фермер хўжаликлари                                         | 588,2                  | 112,7                           |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 2 132,4                | 99,7                            |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 99,5                   | 69,7                            |
| Узум                                                       | 599,8                  | 101,9                           |
| шу жумладан:                                               |                        |                                 |
| фермер хўжаликлари                                         | 38,6                   | 121,0                           |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 558,8                  | 101,7                           |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 2,4                    | 34,5                            |

Маҳсулот турлари бўйича картошканинг **18,7** фоизи фермер хўжаликларига, **78,7** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **2,6** фоизи қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга тўғри келди, шунингдек, сабзавотларнинг **16,1** фоизи фермер хўжаликларига, **78,5** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **5,4** фоизи қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга тўғри келди, полиз экинларининг **17,3** фоизи фермер хўжаликларига, **80,0** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **2,7** фоизи қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга тўғри келди, мева ва резаворларнинг **20,9** фоизи фермер хўжаликларига, **75,6** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **3,5** фоизи қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга тўғри келди, узумнинг **6,4** фоизи фермер хўжаликларига, **93,2** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **0,4** фоизи қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга тўғри келди.

**2026 йилнинг январь-июнь ойларида етиштирилган айрим турдаги  
деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми (минг тонна)**

|                                 | <i>Картошка</i> | <i>Сабзавотлар</i> | <i>Полиз<br/>экинлари</i> | <i>Мева ва<br/>резаворлар</i> | <i>Узум</i> |
|---------------------------------|-----------------|--------------------|---------------------------|-------------------------------|-------------|
| Ўзбекистон<br>Республикаси      | 2 254,3         | 4 454,0            | 1109,4                    | 2820,1                        | 599,8       |
| Қорақалпоғистон<br>Республикаси | 59,7            | 247,4              | 80,1                      | 146,1                         | 6,1         |
| Андижон вилояти                 | 246,4           | 479,4              | 55,8                      | 591,1                         | 34,2        |
| Бухоро вилояти                  | 243,6           | 225,8              | 36,7                      | 243,3                         | 28,5        |
| Жиззах вилояти                  | 90,8            | 218,8              | 120,4                     | 89,7                          | 3,1         |
| Қашқадарё вилояти               | 251,4           | 693,1              | 318,0                     | 217,9                         | 23,8        |
| Навоий вилояти                  | 30,1            | 67,6               | 13,0                      | 82,1                          | 4,9         |
| Наманган вилояти                | 234,6           | 220,8              | 80,1                      | 188,4                         | 19,4        |
| Самарқанд вилояти               | 446,4           | 643,9              | 26,8                      | 262,0                         | 244,6       |
| Сурхондарё вилояти              | 76,3            | 490,0              | 44,8                      | 227,9                         | 18,1        |
| Сирдарё вилояти                 | 12,3            | 65,2               | 114,2                     | 58,0                          | 8,3         |
| Тошкент вилояти                 | 82,6            | 360,7              | 32,6                      | 122,0                         | 28,1        |
| Фарғона вилояти                 | 363,6           | 580,9              | 135,6                     | 444,5                         | 163,9       |
| Хоразм вилояти                  | 116,4           | 160,3              | 51,2                      | 147,0                         | 16,8        |

### Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш

2026 йилнинг январь-июнь ойларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари ҳажми **144 545,5** млрд сўмни ёки 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **101,3** фоизни ташкил қилди.

Худудлар кесимида энг куп етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари ҳажми Қашқадарё (**15 112,7** млрд сўм), Самарқанд (**14 829,6** млрд сўм), Бухоро (**14 152,5** млрд сўм), Сурхондарё (**13 566,8** млрд сўм) ва Андижон (**13 395,0** млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Ўз навбатида, энг паст ҳажмлар Сирдарё (**3 832,6** млрд сўм), Навоий (**6 986,6** млрд сўм) ва Хоразм вилоятларида (**8 052,1** млрд сўм) кузатилди.

Юқори ўсиш суръатлари Фарғона (**103,9** фоиз), Хоразм (**103,6** фоиз), Бухоро (**102,6** фоиз), Андижон (**101,7** фоиз) вилоятларида қайд этилди.

Кўриб чиқиладиган даврда тирик вазнда етиштирилган гўшт ҳажми 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **100,9** фоизни, соғиб олинган сут **101,5** фоизни, олинган тухум **113,8** фоизни, қирқиб олинган жун **105,2** фоизни, олинган қоракўл тери **101,8** фоизни, овланган балиқ **137,1** фоизни ташкил этди.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича таҳлилда, етиштирилган гўштни умумий ҳажмидан **8,7** фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига, **79,1** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **12,2** фоизи қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга тўғри келди.

Шунга мос равишда соғиб олинган сут умумий ҳажмининг **9,1** фоизи фермер хўжаликлари, **88,3** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **2,6** фоизи қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга тўғри келди.

Шу билан бирга, олинган тухумнинг **15,5** фоизи фермер хўжаликлари, **50,6** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **33,9** фоизи қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга тўғри келди.

Шунингдек, қирқиб олинган жуннинг **20,3** фоизи фермер хўжаликлари, **70,9** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **8,8** фоизи қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

Бундан ташқари, олинган қоракўл терининг **22,3** фоизи фермер хўжаликлари, **57,3** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **20,4** фоизи қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга тўғри келди.

Ўз навбатида, овланган балиқларнинг **52,1** фоизи фермер хўжаликлари, **6,4** фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **41,5** фоизи қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга тўғри келганлиги қайд этилди.



**Етиштирилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари ва овланган балиқлар**

|                                                            | Миқдори  | Ўсиш (камайиш) суръати,<br>%да |
|------------------------------------------------------------|----------|--------------------------------|
| Гўшт (тирик вазнда), минг тонна                            | 1 299,0  | 100,9                          |
| шу жумладан:                                               |          |                                |
| фермер хўжаликлари                                         | 112,8    | 114,8                          |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 1 027,8  | 99,6                           |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 158,4    | 100,7                          |
| Сут, минг тонна                                            | 5 096,4  | 101,5                          |
| шу жумладан:                                               |          |                                |
| фермер хўжаликлари                                         | 464,5    | 117,3                          |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 4 498,2  | 99,8                           |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 133,7    | 112,9                          |
| Тухум, млн дона                                            | 4 915,6  | 113,8                          |
| шу жумладан:                                               |          |                                |
| фермер хўжаликлари                                         | 764,2    | 110,2                          |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 2 483,5  | 100,3                          |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 1 667,9  | 144,8                          |
| Жун, тонна                                                 | 20 627,0 | 105,2                          |
| шу жумладан:                                               |          |                                |
| фермер хўжаликлари                                         | 4 179,6  | 135,6                          |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 14 620,9 | 101,2                          |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 1 826,6  | 88,3                           |
| Қоракўл тери, минг дона                                    | 599,9    | 101,8                          |
| шу жумладан:                                               |          |                                |
| фермер хўжаликлари                                         | 134,0    | 116,2                          |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 343,5    | 98,6                           |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 122,5    | 97,4                           |
| Балиқ, минг тонна                                          | 75,3     | 137,1                          |
| шу жумладан:                                               |          |                                |
| фермер хўжаликлари                                         | 39,2     | 145,0                          |
| деҳқон ва томорқа хўжаликлари                              | 4,8      | 102,0                          |
| қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи<br>ташкилотлар | 31,3     | 135,1                          |

**2026 йилнинг январь-июнь ойларида етиштирилган асосий турдаги чорвачилик  
маҳсулотлари ва овланган балиқлар**

|                              | Гўшт<br>(тирик вазнда)<br>(минг тонна) | Сут<br>(минг тонна) | Тухум,<br>млн дона | Балиқ<br>(минг тонна) |
|------------------------------|----------------------------------------|---------------------|--------------------|-----------------------|
| Ўзбекистон Республикаси      | 1 299,0                                | 5 096,4             | 4 915,6            | 75,3                  |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 50,7                                   | 194,0               | 193,2              | 5,4                   |
| Андижон вилояти              | 105,8                                  | 435,5               | 418,1              | 7,1                   |
| Бухоро вилояти               | 130,6                                  | 475,9               | 277,3              | 2,9                   |
| Жиззах вилояти               | 103,2                                  | 376,1               | 245,0              | 6,0                   |
| Қашқадарё вилояти            | 149,8                                  | 682,5               | 277,4              | 1,5                   |
| Навоий вилояти               | 72,9                                   | 170,4               | 227,8              | 5,2                   |
| Наманган вилояти             | 77,7                                   | 307,0               | 461,1              | 8,4                   |
| Самарқанд вилояти            | 156,4                                  | 586,8               | 774,1              | 4,1                   |
| Сурхондарё вилояти           | 96,4                                   | 415,5               | 290,5              | 2,4                   |
| Сирдарё вилояти              | 26,4                                   | 131,4               | 99,2               | 6,5                   |
| Тошкент вилояти              | 146,1                                  | 399,0               | 1028,1             | 7,5                   |
| Фарғона вилояти              | 97,0                                   | 491,7               | 376,9              | 5,8                   |
| Хоразм вилояти               | 86,1                                   | 430,4               | 247,0              | 12,6                  |

**III. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги бўйича услубий тушунтиришлар**

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ялпи маҳсулоти (хизматлари) ҳажми** – бу тармоқда ўз истеъмоли ва сотиш учун етиштирилган маҳсулот қиймати, шунингдек, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик, ўрмон хўжалиги ва ёғоч тайёрлаш, балиқчилик ва аквакультура ялпи маҳсулоти (хизматлари) қиймати асосида шаклланадиган хизматларнинг умумий қийматидир.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти** – қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот ҳажмининг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларда ҳисобот даврида етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари қийматларининг йиғиндиси.

**Фермер хўжалиги** – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

**Деҳқон хўжалиги** – деҳқон хўжалиги бошлиғига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (субижара) ҳуқуқи асосида берилган ер участкасида деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва сотувчи хўжалиқдир.

**Томорқа хўжалиги** – шахсий томорқа ер участкаларида эркин савдо учун ҳам, оила эҳтиёжлари учун ҳам мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолияти ҳисобланади.



**Қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғullanувчи ташкилотлар** – бу йирик қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, юридик шахс ташкил этган ҳолда қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғullanувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, ёрдамчи хўжаликка эга бўлган қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ташкилотлардир.

**Чорва моллари бош сони** – хўжалик тоифалари бўйича чорва молларининг асосий турлари (қорамол, шу жумладан сигирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва ҳоказо) бўйича барча ёш гуруҳларини ўз ичига олади. Гўшт етиштириш сўйиш учун сотилган, шунингдек, ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларининг тирик вазнини ўз ичига қамраб олади.

**Гўшт етиштириш** – сўйиш учун сотилган ҳамда ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазнини ўз ичига олади.

**Сут соғиб олиш** – ёш молларни боқиш учун сарфланган оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сути билан белгиланади. Бузоқлар эмган сут ялпи маҳсулот ҳажмига киритилмайди.

**Тухум олиш** – барча турдаги паррандалардан олинган тухумлар миқдорини, шунингдек, қурқ товуклар ёки инкубатор ёрдамида жўжа очириш учун сарфланган тухумларни ҳам ўз ичига олади.

**Метамаълумот учун ҳавола:**

<https://lib.stat.uz/uz/features/qishloq-xo-jaligi-va-ekologiya/685-qishloq-o-rmon-va-baliqchilik-xo-jaligi-mahsulot-xizmat-lari-yalpi-ishlab-chiqarishini-hisoblash-bo-yicha-uslubiy-nizom-2>

Тайёрлаш учун масъул:  
Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит  
статистикаси бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63;

Алоқа учун: [info@stat.uz](mailto:info@stat.uz)  
Тел.: +998 71 203-80-00 (1230)

